




Василий Алексеевич Перовский (1795–1857) — рус генерали ва давлат арбоби, от кўшинлари генерали ва генерал-адъютант, Оренбург губернатори, сўнгра генерал-губернатор. У Марказий Осиёдаги боскинлар, жумладан, Хива юриши (1839–1840) ва Кўкон юриши (1853) билан машхур. Жуда кўп мусулмонларни ўлдирган.

Василий Перовский граф Алексей Разумовский ва Мария Соболевскаянинг никохсиз фарзанди (валади зино). У машхур ёзувчи Антоний Погорельский ва Россия ички ишлар вазири Лев Перовскийнинг укаси эди. Москва университетини тугатгач, 1811 йилда хукмдорнинг шахсий кўрикловига хизматчи сифатида кирди.

Харбий карьераси:

- 1812 йил Ватан уруши: Бородино жангида катнашиб, чап кўлининг бир бармогидан айрилган. Жангдан кейин асирга тушиб, 1814 йил Париж озод бўлгунгача асирликда бўлган.
- 1828 йил Туркия уруши: Анапа кўргонини штурм билан олган. Варнада огир яраланиб, сафдаги хизматдан воз кечди. Шунинг учун генерал-майор унвонига ва бир неча орденларга сазовор бўлди.
- 1839–1840 йиллар Хива юриши: Юриш кийин иклим ва ожиз тайёргарлик туфайли муваффақиятсиз якунланди.
- 1853 йил Кўкон юриши: Ак-Масжид кўргонини эгаллаб, уни Перовск деб кайта номлади (хозирги Кизилўрда).

Маъмурий фаолияти:

Василий Алексеевич Перовский

Муаллиф:

27.11.2024 19:25 -

- 1833 йилда Оренбург ва Самара губерниялари губернатори этиб тайинланди. Унинг даврида:

- Орал денгизининг тадқиқоти ўтказилди;
 - Пароход транспорти ва Орал флоти ташкил қилинди;
 - Далаларда харбий мустаҳкамланиш пунктлари қурилди.
- 1855 йилда граф унвони берилди.

Шахсий ҳаёти ва ўлим:

Василий Перовский ҳаёти давомида турмуш қурмаган ва фарзандлари бўлмаган. 1857 йил 8 декабрда Алупкада вафот этган. Унинг жасади Балаклавадаги Георгий монастирида дафн қилинган.

Мероси:

- Қўкон юриши чоғида эгалланган Ак-Масжид 1922 йилгача унинг шарафига Перовск деб номланган.
- Унинг фаолияти рус тарихига чуқур таъсир қўрсатган ва Гоголнинг "Ревизор" асари каби адабий асарларга илҳом манбаи бўлган.

Абу Муслим